

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

БОТАЕВ МУРОД ДЖУМАНШИКОВИЧ

**ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Ботаев Мурод Джуманшикович

Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш 3

Ботаев Мурод Джуманшикович

Совершенствование института доследственной проверки 25

Botayev Murod Djumanshikovich

Improvement of the institution of preliminary investigation..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

БОТАЕВ МУРОД ДЖУМАНШИКОВИЧ

**ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Yu166 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<https://akadmvd.uz/uz/ads/dissertatsija-imojasi2011>) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муродов Бахтиёржон Баходирович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хамдамов Абдували Ахмедович
юридик фанлар доктори, профессор

Файзиёв Шохруд Фармонович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 30 ноябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akadmvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (117-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 18 ноябрь куни таркатилди.

(2020 йил 18 ноябрдаги 26 рақамли реестр баённомаси).



А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Р. Кабулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг барча мамлакатларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноятдан жабр чеккан шахсларга етказилган зарарни қоплаш, айбсиз инсонлар жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятларга доир мурожаатларини ўз вақтида рўйхатга олиш ва қонунда белгиланган тартибда ҳал этиш, терговга қадар текширув амалиётида шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш¹ бўйича самарали механизмларни жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш объектив заруратга айланмоқда.

Жаҳонда жиноят-процессуал муносабатларда ўзининг ҳуқуқий мақомига эга бўлмаган айрим процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини таъминлаш, шахсларнинг диспозитив ҳуқуқларини янада кенгайтириш йўли билан уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш, жиноят ишларига доир ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш, фуқароларнинг мурожаатларига сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш амалиётига барҳам бериш, терговга қадар текширув органлари фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминловчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш эҳтиёжи юзага келмоқда.

Республикамизда ишни судга қадар юритиш жараёнида қонун устуворлигини кафолатлаш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу эса терговга қадар текширув босқичида жиноят содир этган ёки жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, жиноят ишини қўзғатиш сабабларининг қонунийлиги ва асосларининг етарлилигини текширишда ўтказилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар тизимини оптималлаштириш, ушбу босқичда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо бериш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш тартибини такомиллаштиришни ўзида акс эттирган халқаро ҳамда ривожланган давлатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, шунингдек терговга қадар текширув органлари фаолияти шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

¹ <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сон, 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон фармонлари, 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4818-сон қарори ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. « Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий тақомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Терговга қадар текширув босқичида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимлари Ғ.А. Абдумажидов, З.Ф. Иноғомжонова, Д.Ю. Камалходжаев, Д.Э. Каримова, Ш.А. Кулматов, Д.М. Миразов, Б.А. Миренский, Б.Б. Муродов, Ф.М. Мухитдинов, Б.Х. Пулатов, А.Х. Раҳмонқулов, Б.Н. Рашидов, Б.А. Ражабов, М.А. Ражабова, С.М. Раҳманова, С.М. Саҳаддинов, Б.А. Саидов, У.А. Тўхташева, Г.З. Тулаганова, Д.Р. Тураева, Ш.Ф. Файзиев ва А.А. Хамдамовлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда терговга қадар текширув ўтказиш масалалари Б.Т. Безлепкин, Л.М. Володина, Ф.Ю.Васильев, А.Ю. Гордеев, А.Б. Деваев, Н.В. Жогин, Л.Н. Карнеева, В.С. Калашников, М.Г. Ковалева, В.В. Кожокаръ, А.М. Королев, И.А. Коршевер, А.Е. Ларин, С.Н. Ожегов, П.А. Петрухин, А.Б. Рогаткин, В.М. Савицкий, В.Н. Саржанов, А.К. Ташибаева, Ф.Н. Фаткуллин, Н.Ю. Шведова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган².

Шу билан бирга, бугунги кунда терговга қадар текширув босқичида юзага келаётган камчилик ва хатоларни бартараф этиш мақсадида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўтказилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар таснифини ишлаб чиқиш, жинойтга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш тартибини белгиловчи процессуал қоидаларни белгилаш билан боғлиқ умумназарий ва амалий тусдаги масалалар махсус тадқиқ этилмаган.

² Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади терговга қадар текширув институтини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

терговга қадар текширув институтининг тушунчаси ва генезисини таҳлил қилиш;

ишни судга қадар юритиш амалиёти ҳамда миллий қонун ҳужжатларини ўрганиш асосида терговга қадар текширув институтининг ижтимоий заруратини асослаш;

айрим хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув босқичининг хусусиятларини ўрганиш;

терговга қадар текширув босқичида жиноят содир этган ва жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг қонунчиликда ҳуқуқий мақомини белгилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

жиноят ишини кўзғатиш сабабларининг қонунийлиги ва асосларининг етарли эканлигини текширишда ўтказилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар тизимини оптималлаштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар бериш;

терговга қадар текширув босқичида далилларни тўплаш, текшириш ва уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажриба ҳамда суд-тергов амалиёти асосида қайта кўриб чиқиш;

жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш ва қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш амалиётини ўрганиш;

терговга қадар текширув жараёнини соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш ҳамда қонуний тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти терговга қадар текширув жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар.

Тадқиқотнинг предметини терговга қадар текширув жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий изланишни амалга оширишда билишнинг тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик усуллар, шунингдек социологик сўровлар ўтказиш, терговга қадар текширув ва жиноят иши материалларини таҳлилий ўрганиш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

терговга қадар текширув босқичида процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун шахсларни чақириш, чақирувга биноан келмаганларни мажбурий келтириш ҳамда уларга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш имконияти мавжуд эмаслигини инобатга олиб, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг чақируви бўйича келишдан бўйин товлаётган шахсларни мажбурий тартибда келтириш масаласини амалдаги қонунчиликда акс эттириш зарурати асослантилган;

терговга қадар текширув босқичида шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтириш мақсадида, жиноят-процессуал қонунчиликда шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш ҳамда шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатларини видеоёзув орқали қайд этилиши лозимлиги асослаб берилган;

жиноят ишларига доир ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабабининг қонунийлиги ва асосларининг етарли эканлигини ҳар томонлама текшириш заруратидан шунингдек, содир этилган жиноятнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар доирасини мақбуллаштириш лозимлиги асослантилган;

терговга қадар текширув органлари тизимида хизмат олиб бораётган ходимларнинг аксариятини олий юридик маълумотга эга эмаслиги, жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг жиноят-процессуал қонунчиликка доир билимларининг етарли бўлмаганлиги, шунингдек бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятига баҳо беришда жиноятчиликнинг кўпайиши ёки камайиши энг асосий мезон сифатида қаралаётганлиги натижасида терговга қадар текширув фаолиятида фуқароларнинг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларига сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш, уларни вақтида рўйхатга олмаслик ёки ҳисобга олишдан қасддан яшириш йўли билан жиноятчилик кўрсаткичини сунъий равишда камайтириш ҳолатлари юзага келаётганлиги асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган:

терговга қадар текширув амалиётида шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш ҳамда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтириш мақсадида жиноят содир этган ва жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш зарурати исботлаб берилган;

терговга қадар текширув органларининг жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш ва уларни қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш фаолияти қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш зарурати асослантирилган;

жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятни янги босқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш, шунингдек процессуал харажатларни тежаш мақсадида терговга қадар текширув жараёнида ишларни юритиш тартибини янада соддалаштириш зарурлиги асослантирилган;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш амалиётига барҳам бериш, процессуал харажатларни тежаш ва терговга қадар текширув жараёнининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш тартибини белгиловчи процессуал қоидалар ишлаб чиқилган;

жиноят ишини қўзғатиш сабабларининг қонунийлиги ва асосларининг етарли эканлиги, яъни қилмиш содир этилган ёки этилмаганлиги ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлиги тўлиқ аниқланилишини таъминлаш, шунингдек терговга қадар текширув босқичида далилларни тўплаш, текшириш ва уларга баҳо бериш тизими илғор хорижий тажриба ҳамда суд-тергов амалиётининг чуқур таҳлили асосида қайта кўриб чиқилиб, мазкур босқичда нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, чақирув қоғозини юбориш, мажбурий келтириш, тафтиш ва хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида топшириқ бериш каби процессуал ҳаракатларни ўтказиш зарурлиги асослантирилган;

жиноят ишларига доир ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни терговга тегишлилигига қараб юборишнинг аниқ тартиби ва муддатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, уларни қўллаш амалиётидаги илғор тажрибалар, социологик тадқиқотлар (154 нафар терговга қадар текширув, 183 нафар тергов, 104 нафар адвокатура ҳамда 53 нафар илмий-педагог ходимлар ўртасида ўтказилган сўров таҳлиллари, шунингдек, 500 та ишни қўзғатишни рад этиш материаллари ва 117 та жиноят ишини ўрганиш натижалари), статистик маълумотлар таҳлилининг умумлаштириш орқали асослантирилган, тадқиқот натижалари ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган ҳамда етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, «Терговга қадар текширув», «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» ва «Дастлабки тергов» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида терговга қадар текширув жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, терговга қадар текширув жараёнида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш ва ушбу босқичда процессуал ҳаракатларини амалга ошириш тартибини белгилаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

терговга қадар текширув босқичида процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун шахсларни чақириш, чақирувга биноан келмаганларни мажбурий келтириш ҳамда уларга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш имконияти мавжуд эмаслигини инобатга олиб, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг чақируви бўйича келишдан бўйин товлайётган шахсларни мажбурий тартибда келтириш масаласини амалдаги қонунчиликда акс эттиришга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон қонунининг 16-моддаси биринчи қисми ўн тўртинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 3 июндаги 10-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг қабул қилиниши жиноят ишини қўзғатиш сабабининг қонунийлиги ва асосларининг етарли эканлигини тўлиқ ва ҳар томонлама текшириш амалиётининг жорий этилишига, терговга қадар текширув жараёнида шахсларни чақириш тартиби ва узрсиз сабабларга кўра келмаганларни мажбурий тартибда келтиришга доир амалдаги қонунчиликда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларнинг бартараф этилишига хизмат қилган;

терговга қадар текширув босқичида шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалада бўлиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтириш мақсадида, жиноят-процессуал қонунчиликда шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш ҳамда шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатларини видеоёзув орқали қайд этилиши лозимлигига доир

таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-617-сон қонуни 1-моддаси иккинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 27 июлдаги 06/1-1866-1974-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши терговга қадар текширув жараёнида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар ва турли қарама-қаршиликларнинг бартараф этилишига, шунингдек фуқароларни қийноққа солиш, уларга шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомалада бўлиш амалиётига барҳам берилишига хизмат қилган;

жиноят ишларига доир ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда жиноят ишини кўзғатиш сабабининг қонунийлиги ва асосларининг етарли эканлигини ҳар томонлама текшириш заруратидан шунингдек, содир этилган жиноятнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар доирасини мақбуллаштиришга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-548-сон қонуни 2-моддаси иккинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий девонининг 2020 йил 3 июндаги 4584-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ишни судга қадар юритиш босқичида фуқароларнинг жиноятга оид мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш амалиётига барҳам бериш, шунингдек процессуал харажатларни тежаш ва терговга қадар текширув жараёнининг самарали ташкил этилишига хизмат қилган.

терговга қадар текширув органлари тизимида хизмат олиб бораётган ходимларнинг аксариятини олий юридик маълумотга эга эмаслиги, жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг жиноят-процессуал қонунчиликка доир билимларининг етарли бўлмаганлиги, шунингдек бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятига баҳо беришда жиноятчиликнинг кўпайиши ёки камайиши энг асосий мезон сифатида қаралаётганлиги натижасида терговга қадар текширув фаолиятида фуқароларнинг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларига сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш, уларни вақтида рўйхатга олмаслик ёки ҳисобга олишдан қасддан яшириш йўли билан жиноятчилик кўрсаткичини суъбий равишда камайтириш ҳолатлари юзага келаётганлигига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил

4 апрель кундаги «Жиноятларни, уларни содир этган шахсларни, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ҳамда суднинг процессуал қарорларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги 3//20//11-121-18//2//01-02/22-29-сон қароринининг 1-иловасида келтирилган «Жиноятларни, уларни содир этган шахсларни, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ҳамда суднинг процессуал қарорларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқнома»нинг 1-боби иккинчи банди 6-11 хатбошилари ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 13 июлдаги 18/3199-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши терговга қадар текширув органларининг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш ва қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 3 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилиниб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан тадқиқотнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда 5 та, халқаро журналларда 3 та ва илмий анжуманларда 7 та нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Жиноят процессида терговга қадар текширув институтининг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати**» деб номланган биринчи бобида «терговга қадар текширув» тушунчаси, унинг аҳамияти, терговга қадар текширув институтига оид жиноят-процессуал қонун нормаларининг ривожланиш тарихи ҳамда мазкур институтни такомиллаштиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати чуқур таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, терговга қадар текширув жараёнини такомиллаштиришда, авваламбор, унинг илмий-назарий асосларига, «терговга қадар текширув» тушунчасининг мазмуни ва аҳамиятига ойдинлик киритиш лозим. Ушбу масалада муаллиф жиноят-процессуал назарияда мавжуд фикрларни чуқур тадқиқ этган ҳолда терговга қадар текширувнинг моҳиятини тўлиқ қамраб оладиган илмий-назарий таъриф ишлаб чиқилиши зарурлигини асослаб берган.

Тадқиқотчи «Терговга қадар текширув» тушунчасини ўзбек атамашунослиги, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, терговга қадар текширув жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлари доираси ҳамда ушбу босқичда қабул қилинадиган қарорлар асосида қонунчилик ва жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида мазкур институтни янги мазмунда ифодалаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келиб, куйидаги муаллифлик таърифини таклиф этади:

терговга қадар текширув – ишни судга қадар юритишнинг алоҳида босқичи бўлиб, тегишли ваколатларга эга бўлган масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорини чиқаришга қаратилган процессуал ҳаракатлар тизимидир.

Тадқиқотчи қонунда жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларга терговга қадар текширув органлари ҳам киритилганлигига қонун нормалари ўртасидаги коллизия ҳолати сифатида баҳо берган. Зеро, амалдаги ЖПК талабларига мувофиқ, жиноят иши фақат қўзғатилганидан иш доирасида юритилади. Терговга қадар текширув эса жиноят ҳақида хабар келиб тушган вақтдан то жиноят иши қўзғатилгунга қадар амалга оширилади. Маълум бўладигани, терговга қадар текширув органлари ўзининг фаолият мазмунига кўра жиноят ишини юритишга ваколатли эмас. Мазкур омилларни инобатга олиб, тадқиқотчи томонидан жиноят-процессуал қонун нормаларида қўлланилган «*жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар*» жумласини «*жиноят тўғрисидаги ишларни юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар*»га ўзгартириш лозимлигини асослантирган.

Тадқиқотчи, жиноят процесси назариясида мавжуд терговга қадар текширув институтининг жиноят ишини қўзғатиш босқичининг таркибий қисми, яъни тузилмавий элементи шунингдек, суд-тергов амалиётида жиноят ишини қўзғатишни терговга қадар текширув босқичи ўрнида қўлланилишига доир қарашларни чуқур таҳлил қилиш асосида терговга қадар текширув институти ишни судга қадар юритиш босқичининг алоҳида мустақил босқичи эканлиги, жиноят ишини қўзғатиш эса фақат терговга қадар текширув натижасида қабул қилинадиган қарорлардан бирини номлаш учун хизмат қилишини атрафлича ёритиб берган.

Шунингдек, диссертант томонидан терговга қадар текширув институти шахс ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг қонуний кафолати

эканлиги, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини таъминлаш билан бирга, жамиятда келгусида жиноятчиликнинг олдини олишда *ижтимоий-сиёсий, жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал* жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши асосланган.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилиги ривожланишида ишни судга қадар юритиш шакллари, хусусан, терговга қадар текширув институтини тартибга солувчи қонун нормалари вужудга келиши ва ривожланишининг ретроспектив таҳлили асосида улар даврларга ажратилган ҳолда ўрганилган. Тадқиқотда ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари комплекс равишда чуқур ўрганилиб, терговга қадар текширув институтининг тарихий ривожланиш хусусиятлари тўлиқ очиб берилган.

Диссертациянинг **«Терговга қадар текширув ўтказишнинг умумий шартлари»** номли иккинчи бобида терговга қадар текширув ўтказишнинг асослари ва умумий шартлари, жиноят иши кўзгатишни рад этишнинг ўзига хос хусусиятлари, терговга қадар текширув жараёнини тартибга солувчи ЖПК нормалари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек терговга қадар текширув амалиётининг бугунги ҳолати ўрганилиб, тадқиқ этилган.

Диссертант томонидан амалдаги қонунчиликда мавжуд коллизион ҳолатлар ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, фуқароларнинг жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни рўйхатга олиш ва уларни қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш мақсадида терговга қадар текширувни бошлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган омиллар таҳлил қилинган. Ўтказилган таҳлиллар асосида фуқароларнинг жиноятга доир мурожаатларини кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш амалиётига барҳам бериш, процессуал харажатларни тежаш ва терговга қадар текширув жараёни самарадорлигини янада ошириш мақсадида ишни судга қадар текширув босқичига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш йўли билан фуқароларга онлайн тартибда мурожаат этиш имконини берадиган процессуал қоидалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида кўрсатилган устувор вазифаларнинг ижросини, шунингдек терговга қадар текширув босқичининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида жиноятдан жабрланган шахсларга ўтказилаётган процессуал ҳаракатлари ҳамда уларнинг натижалари борасида онлайн тартибда хабардор бўлиш имкониятини берувчи электрон дастур яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи ЖПК 329-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ терговга қадар текширув давомида кўшимча ҳужжатлар ва тушунтиришлар талаб қилиб олиниши мумкинлигини инобатга олиб, ушбу Кодекснинг 201-моддаси

мазмунида корхона, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз ихтиёрларидаги ҳужжатларни ёки ўзларидаги мавжуд маълумотлар асосида махсус тузилган ҳужжатларни терговга қадар текширув органи мансабдор шахси талабига кўра тақдим қилишлари мажбуриятини акс эттириш зарурлигини асослаб берган.

Ўтказилган таҳлиллар терговга қадар текширув жараёнида процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун шахсларни чақириш, чақирувга биноан келмаганларни мажбурий келтириш ҳамда уларга нисбатан бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли мазкур босқичда терговга қадар текширув ва тергов органлари мансабдор шахслари билан фуқаролар ўртасида айрим тушунмовчиликлар юзага келаётганлигини кўрсатган.

Шунингдек, терговга қадар текширув давомида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларнинг таҳлили, уларни жиноят ишини кўзғатиш сабабларининг қонунийлиги ва асосларининг мавжудлигини, яъни қилмиш содир этилган ёки этилмаганлигини ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлигини аниқлаш учун етарли эмаслигини кўрсатган. Суд-тергов амалиёти ходимларининг ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра резидентларнинг 63 фоизи гувоҳлантириш, 82 фоизи экспертиза текшируви учун намуналар олиш, 72 фоизи мурдани эксгумация қилиш, 85 фоизи нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш тергов ҳаракатларини жиноят ишини кўзғатишдан олдин ўтказиш зарурати мавжуд эканлигини таъкидлаган. Мазкур омиллар асосида тадқиқотчи нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш ва уларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, чақирув қоғозини юбориш, мажбурий келтириш, тафтиш ва хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида топшириқ бериш каби процессуал ҳаракатларни ҳам терговга қадар текширув давомида ўтказиш зарур деган хулосага келган.

Муаллиф ЖПКнинг 15-моддаси билан ушбу Кодекснинг 84, 325 ва 333-моддалари ўртасидаги коллизия ҳолатларни бартараф этиш ҳамда жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг диспозитив ҳуқуқларини қўллаш доираси кенгайиб бораётганлигини инобатга олиб, жиноят ишини кўзғатиш муқаррарлиги принципини (15-модда) амалдаги ЖПКдан чиқариш зарурлиги ҳақида хулосага келган.

ЖПКнинг 84-моддасида назарда тutilган жиноят иши кўзғатишни рад қилиш асосларининг мазмуни ЖКнинг 10-моддасида қайд этилган «Жавобгарликнинг муқаррарлиги» принципи талабларига зид эканлиги аниқланиб, қонун нормалари ўртасидаги мавжуд мазкур коллизия ҳолатни бартараф этиш бўйича асослантирилган хулосалар ишлаб чиқилган.

Амалдаги ЖПКда жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юбориш муддатлари белгиланмаганлиги натижасида терговга қадар текширув амалиётида мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг мурожаатларини бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйган ҳолда, ўз вақтида кўриб чиқилмаслигига сабаб бўлаётганлиги аниқланган. Тадқиқотчи

томонидан жиноят-процессуал қонунчиликда мавжуд бу каби ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юборишнинг аниқ муддатлари ишлаб чиқилган.

Жиноят-процессуал муносабатларда терговга қадар текширув алоҳида мустақил босқич сифатида намоён бўлса-да, лекин ЖПКнинг қатор нормалари талабларида мазкур институтнинг ўз ифодасини топмаганлиги тадқиқотчи томонидан қонун чиқарувчининг хатоси сифатида эътироф этилиб, ЖПК нормаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқот давомида «Жиноят ишларини юритиш тартиби», «Қонунийлик», «Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш», «Жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки», «Ҳақиқатни аниқлаш», «Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш» ва «Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи» номли принциплар чуқур таҳлил қилиниб, ушбу нормаларда жиноят процессининг муҳим қисми ҳисобланган терговга қадар текширув босқичи ўз ифодасини топмаганлиги тушунарсиз ҳолат сифатида эътироф этилиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш асослари таҳлил қилиниб, ушбу институтнинг аҳамияти, ҳар бир асосини қўллаш шартлари ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Ўтказилган таҳлиллар натижасида ЖПК 84-моддаси биринчи қисми 3-бандининг янги таҳрирда баён этилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашингга йўл қўймаслик ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш мақсадида давлат улуши бўлмаган юридик шахснинг мол-мулкни уларнинг ходими томонидан фирибгарлик ёки ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари бўйича жиноят ишини қўзғатишни мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризаси асосидагина амалга ошириш амалиётини татбиқ этиш зарурлиги асослаб берилган.

Терговга қадар текширув босқичи чуқур таҳлил қилиниб, жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиш натижасида ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун қонунда аниқ муддатни белгилаш зарурлиги асослантириб берилган.

Суд-тергов амалиётининг таҳлили, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган жиноятлар содир этилганда ишни юришга масъул бўлган мансабдор шахс томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги, тузилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатлар тизими ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда ўз ифодасини топмаган. Бу эса, ўз навбатида мазкур асос билан рад этилаётган ишларнинг мазмуни, шакли ва улар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг турли хил бўлишига сабаб бўлмоқда. Терговга қадар текширув ва тергов органлари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари ҳам мазкур ҳолатларни қанчалик асосли эканлигини тасдиқлайди. Хусусан, «шахснинг ЖПКнинг

325-моддасида назарда тутилган тартибда жабрланувчининг шикоят аризасини бермаслик ҳолатини қандай расмийлаштирасиз?», – деган саволга респондентларнинг 31 фоизи ариза олиш, 15 фоизи далолатнома тузиш, 6 фоизи тушунтириш хатини олиш ва 48 фоизи баённома тузиш орқали расмийлаштираётганлиги маълум қилди. Юқорида келтирилган омиллар асосида тадқиқотда мансабдор шахс томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги, тузилиши лозим бўлган процессуал ҳужжатлар тизими ва ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш учун исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланиб, унда терговга қадар текширув босқичида жиноят содир этган ёки бевосита мазкур жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш орқали уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ишни судга қадар юритишга доир хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари ва илғор тажрибаси асосида терговга қадар текширув институтининг ҳуқуқий механизми ва манбаини, шунингдек, ушбу институтни янада такомиллаштириш орқали жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазифаларининг бажарилиш самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этилган.

Диссертант хорижий давлатлар (АҚШ, Хитой, Германия, Франция, Англия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия, Украина, Беларусь) қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида ишни судга қадар юритиш босқичи, шу жумладан терговга қадар текширув жараёнининг самарадорлигини ошириш мумкинлигини асослаб берган. Диссертацияда ўрганилган ижобий тажрибаларни умумлаштирган ҳолда тадқиқот предмети юзасидан таҳлилий хулосалар қилинган.

Терговга қадар текширув босқичида жиноят содир этган ёки жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш борасида кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилиб, «*терговга қадар текширув олиб борилаётган шахс*» ва «*жиноятдан жабрланган шахс*» деб номланган янги процесс иштирокчилари ва уларнинг ҳуқуқий мақомини жиноят-процессуал қонунчиликда акс эттириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Бош прокуратурасининг 2018 йил 17 мартда қабул қилинган «Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг «102» ягона телефон рақами бўйича келиб тушаётган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текшириш якунлари бўйича қабул қилинадиган жиноят ишини рад қилиш тўғрисидаги қарорни соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги 26/17-сонли қўшма қарори ижроси ўрганилган. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши Тошкент шаҳрида терговга қадар текширув ўтказишга ваколатли бўлган мансабдор шахслар томонидан аҳоли билан самарали мулоқотни йўлга қўйилишига, жиноятга оид хабарларнинг ўз вақтида, қисқа муддатларда кўриб чиқилишига, жиноятга доир мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштиришга, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминланишига, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишига, шунингдек шахсларнинг ортиқча оворагарчилигига йўл қўймаслигига хизмат қилган. Мазкур омиллар асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш амалиётини янада соддалаштириш мақсадида 2018 йил 17 мартда қабул қилинган 26/17-сонли қўшма қарор талабларини Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этиш зарур деган хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2016 йил 12 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли буйруғи талабларига мувофиқ, ҳар бир ҳудудий ИИБ навбатчилик қисмларида жиноят ва ҳодисаларни рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги билдирув-талони китобчаси юритилиши белгиланган. Лекин тадқиқот давомида ўтказилган ўрганишлар бугунги кунда аксарият туман-шаҳар ички ишлар бўлимларида билдирув-талони юритилмаётганлигини кўрсатди. Ваҳоланки, билдирув-талонининг юритилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятларга доир муурожаатларини ўз вақтида рўйхатга олиш ва улар бўйича қонуний қарор қабул қилиш учун хизмат қилади. Мазкур омиллардан келиб чиққан ҳолда ИИБ Ташкилий департаментига жиноят ва ҳодисаларни рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги билдирув-талони китобчасини ўрнатилган тартибда юритилишини назарот қилиб бориш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби ички ишлар органларига юклатилган. Лекин, сир эмаски, айни вақтда ички ишлар органлари фаолиятига баҳо беришда энг асосий мезон жиноятчиликнинг кўпайиши ёки камайиши бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ички ишлар органларининг терговга қадар текширув фаолиятида фуқароларнинг муурожаатларига сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш, жиноятларга доир муурожаатларини ўз вақтида рўйхатга олмаслик ва қонунда белгиланган тартибда ҳал этмаслик йўли билан жиноятчилик кўрсаткичини сунъий равишда камайтириш ҳолатлари юзага келмоқда. Бу эса профилактика, тезкор-қидирув ва тергов органлари ходимларида жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни тўла қош этиш бўйича ташаббускорликнинг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Статистик маълумотларнинг таҳлили 2016 йилда жиноятга доир аризаларнинг фақат 26,2 фоизи бўйича иш қўзғатилганлигини кўрсатган. 2019 йилга келиб эса, мазкур кўрсаткич 8,7 фоизни ташкил этган. Эътиборлиси шундаки, 2019 йилда жиноятга доир муурожаатлар 2016 йилга нисбатан 20,7 фоизга кўпайган бир пайтда, қўзғатилган ишлар сони 58,2 фоизга камайган. Бу эса бузилган ҳуқуқларининг тикланишидан умид қилиб, ИИБга муурожаат этган айрим фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига ишончининг пасайишига олиб келган. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчи томонидан мазкур амалиёт танқид қилиниб, юртимизда суд-ҳуқуқ

тизимда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда ҳукуратимиз томонидан ИИВ фаолиятини янада самарали ташкил этиш бўйича белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида тизим фаолиятга баҳо беришнинг янги мезонларини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этган.

Шунингдек, тадқиқотда шахсларнинг электрон ариза билан мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш, жиноят тўғрисидаги ариза ва шикоятларни ўз вақтида қайд этиш жараёнини такомиллаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг жиноят ҳақидаги аризаларни ақс эттириш, терговга қадар текширув жараёнини онлайн тартибда кузатиб туриш имкониятига эга бўлган «Жиноят тўғрисидаги мурожаатлар интерактив ойнаси»ни яратиш таклиф қилинган.

Диссертация хулосасида тадқиқотнинг асосий илмий натижалари терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш билан боғлиқ назарий хулосалар, терговга қадар текширув босқичининг механизмини соддалаштириш ва мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган таклифлар суд-тергов амалиёти билан боғлиқ ҳолда асослантилган.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижалари назарий, амалий-ташқилий ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий хулоса таклиф ва тавсияларга ажратган ҳолда баён этилди:

I. Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича илмий хулосалар:

1. Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчага муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган:

терговга қадар текширув – ишни судга қадар юритишнинг алоҳида босқичи бўлиб, тегишли ваколатларга эга бўлган масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорини чиқаришга қаратилган процессуал ҳаракатлар тизимидир.

